ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ХОЛОВА ДИЛОРОМ ШАРИФОВНА

ГИПОФИЗ НОФАОЛ АДЕНОМАЛАРИНИ (ГНА) ДАВОЛАШДА Д$_2$ РЕЦЕПТОРЛАРИ АГОНИСТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

14.00.03 – Эндокринология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

УДК: 616.432-006.55-085

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Холова Дилором Шарифовна
Гипофиз нофаол аденомаларини (ГНА) даволашда
$Д_2$ - рецепторлари агонистларининг аҳамиятини баҳолаш……………….. 3

Холова Дилором Шарифовна
Оценка роли агонистов $Д_2$ – рецепторов в терапии
неактивной аденомы гипофиза (НАГ)………………………………………. 21

Kholova Dilorom Sharifovna
Assessment of a role of agonist of D_2- receptors in therapy inactive
adenomas of a hypophysis 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of pulished works 43

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ

ХОЛОВА ДИЛОРОМ ШАРИФОВНА

ГИПОФИЗ НОФАОЛ АДЕНОМАЛАРИНИ (ГНА) ДАВОЛАШДА Д$_2$ РЕЦЕПТОРЛАРИ АГОНИСТЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИНИ БАҲОЛАШ

14.00.03 – Эндокринология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2018

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib193 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tma.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Халимова Замира Юсуфовна** тиббиёт фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Нажмутдинова Дилором Қамардиновна** тиббиёт фанлар доктори, профессор
	Махкамов Козим Эргашевич тиббиёт фанлар доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Тошкент врачлар малакасини ошириш институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc. 27.06.2017.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «___»_____________ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@ mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри Олмазор тумани Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871)150-78-25.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» ______________да тарқатилди.
(2018 йил «___» _____________даги ____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г.Гадаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д, профессор

Б.Х.Шагазатова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,т.ф.д, профессор

С.И.Исмаилов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Гипофиз нофаол аденомаси (ГНА)нинг патогенези, эрта клиниколди ташхисоти, башоратлаш ва даволаш масалалари замонавий эндокринологияда ўз ечимини кутаётган муаммолардан ҳисобланади. Гипофизнинг нофаол аденомаси кўп ҳолларда микропролактинемияли беморларда учрайди ва умумий популяцияда 0,1–0,2% ни ташкил этиб[1], томографик текширишларда барча соғлом инсонларнинг 10% ида гипофиз аденомаси аниқланган.[2] Бош мия ўсмалари таркибида аденогипофизнинг хавфсиз ўсмалари 15% ни ташкил қилади. Гипофизнинг нофаол аденомаси ташхиси эса барча гипофиз ўсмаларининг 25–30% ида аниқланади. Умумий популяцияда ГНА учраши 1 млн аҳолига нисбатан 50 ҳолатни ташкил этиб, ҳозирги кунда «замонавий технологиялар касаллиги» номини олган, гипофиз инциденталомаларига эга беморлар сони 5–17 ҳолатни ташкил қилади.[3]

Жаҳонда гипофиз нофаол аденомаларини даволашда $Д_2$ рецепторлари агонистларининг аҳамиятини баҳолаш ҳамда даволашнинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш, эрта ташхислаш усулларини такомиллаштириш, шунингдек, эндокрин касалликларни эрта ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида беморларни скрининг тизимига жалб қилиш; гипофизнинг нофаол аденомаси мавжуд беморларни даволашда оптимал даволаш тизимини танлаш; гипофиз аденомаси мавжуд беморларни эрта аниқлаш сабабларини ва хусусиятларини асослаш, эндокрин тизими касалликларини даволашнинг патогенетик механизмларини ишлаб чиқиш, касалликнинг турли асоратларини аниқлаш ва уларни олдини олишга қаратилган ташхислаш ва даволаш алгоритмларини ишлаб чиқиш, аҳоли орасида нофаол гипофиз аденомаси келиб чиқиши ва ҳаёт сифатини яхшилашга йўналтирилган кенг миқёсли тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Эрта ташхислашга қаратилган кенг қамровли дастурий тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида аҳоли орасида эндокрин касалликларни ўз вақтида аниқлаш, даволашнинг самарали усулларини татбиқ этиш, аҳоли орасида нофаол гипофиз аденомасини барвақт аниқлаш, замонавий даволаш тартибини ишлаб чиқиш ва оғир асоратларнинг олдини олиш бўйича муайян натижаларга эришилди. Амалга оширилган чора-тадбирларга қарамасдан бугунги кунда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш бўйича муайян муаммолар мавжуд. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги

[1]Кадашев Б. А., 2007; Лапшина А. М., Абросимов А. Ю., Марова Е. И., 2008.
[2]Губина Е. В., Шипилов А. А., 2008; Yuen Y. P., Lai J. P., Au K. M. et al., 2013.
[3] Glezer A., D.,' Alva C. B., Salgado L. R., Clinically nonfunctioning pituitary adenoma growth after radiosurgery, 2012.

босқичга кўтаришда «...турли ўсма касалликлар профилактикаси ва ташхислаш, замонавий стратегияларни қўллашни кенгайтириш, юқори малакали ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш»[4] бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш билан бир қаторда гипофиз аденомасини ташхислаш ва даволаш бўйича чуқур илмий изланишлар олиб бориш тақоза этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси», 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Замонавий мамлакатимиз ва хорижий адабиётларни таҳлил қилиш шундан далолат берадики, бу мавзу бўйича чоп этилаётган мақолаларнинг доимий равишда ортишига қарамасдан, тасодифан гипофиз ўсмалари аниқланиши эндокринология, нейроэндокринологиянинг ва нейрохирургиянинг етарлича ўрганилмаган муаммоси ҳисобланади. Гипофиз нофаол аденомаси кўп ҳолларда микропролактинемияли беморларда учраб, бу қатор муаллифлар маълумотларида келтирилган (Губина Е.В., Шипилов А.А., 2008; Yuen Y.P., Lai J.P., Au K.M. et al., 2013). Бунда МП мавжуд соғлом инсонларнинг 10% ида томографик текширишларда гипофиз аденомаси аниқланади (Дедов И.И., Мельниченко С.А., Романцева Т.И., 2004; Марова Е.И., Дзеранова Л.К., Воронцов А.В., 2008; Glezer A.D., Alva C.B., Salgado L.R., 2012). Гипофиз билан боғлиқ бўлмаган касалликлар сабабли оламдан ўтган беморлар аутопсиясида гипофиз аденомалари 10–20% ҳолатларда топилади. ГНА ташхиси эса барча гипофиз ўсмаларининг 25–30% ида аниқланади (Дзеранова Л.К., Гончаров Н.П., Добрачева А.Д. ва бошқ., 2008).

Гипофиз инциденталомаларига эга беморларда касалликнинг учраш тезлиги 1 млн аҳолига нисбатан 5–17 ҳолатни ташкил қилади (Anagnostis P., Adamidou F., Polyzos S. A, Efstathiadou Z., Panagiotou A., Kita M., 2011). Тасодифан гипофиз ўсмалари аниқланган, лекин маълум бир клиник бузилишлари бўлмаган бу шахслар 5 йилгача муддат ичида динамик кузатув остига олиниши лозим, чунки уларда ҳам гормонал фаол, ҳам гормонал

[4] 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

нофаол ўсмалар бошланиш ҳолатлари бўлиши мумкин (Melmed S., 2011).

Бундай беморларни кузатиш ва даволаш тактикалари, касаллик этиологияси, клиник кўринишлари ҳақидаги ягона тасаввурлар ҳозирги вақтда мавжуд эмас. Тавсия қилинган терминларнинг турли-туманлиги («белгисиз», «яширин», «гормонал нофаол», «фаолиятсиз»), касалликнинг келишилган мезонлари ва стандарт аниқланиши йўқлиги касаллик тарқалганлигига баҳо беришга қийинчилик туғдиради, ташхислаш ва даволашнинг умумлаштирилган алгоритмларини ишлаб чиқишга тўсқинлик қилади.

Республикамизда ҳозирги кунгача ушбу патологияни мақсадли ўрганиш амалга оширилмаган, бу патологияга эга беморларни текшириш ва кузатиш алгоритмлари қабул қилинмаган. Соғлиқни сақлаш тизимининг бозор иқтисодиётига ўтиши муносабати билан иқтисодий харажатларни ҳисобга олган ҳолда янги масалалар тиббиёт олдида юзага келди. ГНА бор беморларни эрта аниқлаш, дифференциаллашган ҳолда даволаш ва буларни таъминлаш борасида харажатларни минималлаштириш йўлларини излаб топишга йўналтирилган ҳаракатлар дастурига эга бўлиш лозим.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти ФДСС 12.8 «Гипофизнинг нофаол аденомаси мавжуд беморлар организмида нейроэндокрин ва паракрин тизимлари фаолиятини бошқаришнинг молекуляр-генетик механизмлари» фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсмалар ўсишини таъминловчи омилларни ҳамда уларни даволашда ишлатиладиган $Д_2$ рецепторлари агонистларининг самарадорлигини баҳолаш орқали гипофиз нофаол аденомалари ривожланишининг клиник, гормонал ва визуализацион хусусиятларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ЎзРда гипофиз аденомалари структурасида ГНА учраш тезлигини ўрганиш, ГНАнинг гендер, ёшга оид, гормонал, визуализацион хусусиятларини аниқлаш;

ўсма ўлчамларини инобатга олган ҳолда ангиогенез ва апоптоз кўрсаткичларни ўрганиш;

$Д_2$ рецепторлари агонистларининг ГНА мавжуд беморларда ўсма ўлчамлари ва клиник кўрсаткичларга коррекцияловчи фаоллигини баҳолаш;

ГНА клиник кечиши ва оқибатларига $Д_2$ рецепторлари агонистлари турли миқдорларининг таъсирини ўрганиш;

ГНА мавжуд беморларни даволашда $Д_2$ рецепторлари агонистларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини асослаш ва ГНАни ташхислаш, даволаш алгоритмини амалиётга жорий қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида гипофизнинг нофаол аденомаси мавжуд 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган 127 нафар бемор олинган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб ГНА ривожланишида апоптоз – ФНО-α, p53, bcl-2 ҳамда ангиогенез омиллари – VEGF ва унинг рецептори – VEGFR –

2 ролини баҳолаш мақсадида веноз қон ва қон зардоби, текширилган беморлар гипоталамо-гипофизар соҳасининг МРТ расмлари, СД дисклари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумклиник, биокимёвий, гормонал, ижтимоий-генеалогик, ИФА, визуализацион, статистик каби тадқиқот ва таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

гипофиз нофаол аденомалари ривожланишида полиморф апоптоз маркёрлари – ФНО-α, p53, bcl-2 ҳамда ангиогенез маркёрлари – VEGF ва унинг рецептори – VEGFR – 2 нинг хусусиятлари очиб берилган;

гипофиз нофаол аденомаларини даволашда $Д_2$ рецепторлари агонистлари, яъни каберголиннинг касаллик клиник кечиши, ўсма ўлчамлари ҳамда апоптоз ва ангиогенез кўрсаткичларига таъсир механизми исботланган;

гипофиз нофаол аденомаларини даволашда $Д_2$ рецепторлари агонистларидан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда клиник амалиётда самарали тартибда даволаш тизимининг тартиби ишлаб чиқилган;

касалликни ташхислашда магнитли резонанс томографик текширув натижалари клиник ва гормонал кўрсаткичлар ҳамда апоптоз ва ангиогенез омилларини баҳолаш орқали гипофиз нофаол аденомалари даволаш тартибининг натижалари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

маълумотлар базаси компьютер дастури кўринишида «Гипофизнинг нофаол аденомаси мавжуд беморларни истиқболли кузатиш регистри» яратилган ва BGU00334 рақам билан рўйхатдан ўтказилган;

тадқиқот натижалари гипофиз нофаол аденомаларининг келиб чиқиш хусусиятини клиник, гормонал ва генетик жиҳатдан фикрлаш доирасини кенгайтиришга олиб келган;

ишлаб чиқилган «Гипофиз нофаол аденомалари мавжуд беморларни ташхислаш, даволаш ва назорат қилиш алгоритми» гипофиз нофаол аденомалари мавжуд беморларни келгусида олиб бориш ва намоён бўлиши бўйича ташхислаш қадамлари ҳамда кўплаб режали муолажаларни сезиларли қисқартириш имконини беради;

тадқиқот натижалари ўсма ривожланишининг патогенези тўғрисида апоптоз ва ангиогенез омилларининг аҳамияти тўғрисидаги билимларининг ошишига имкон яратган;

жарроҳлик усулига альтернатив сифатида $Д_2$ рецепторлари агонистларини қўллаш эндокринолог шифокорлар ҳамда нейрожарроҳлар учун медикаментоз давони қўллаш учун қўшимча имконият туғдиради ва бу беморларни кузатиш тактикасини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, биокимёвий, гормонал, ижтимоий-генеалогик, ИФА, визуализацион текширув усулларига асосланилганлиги, барча рақамли маълумотлар замонавий компьютер технологияларини қўллаб ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларни илмий аҳамияти касаллик ривожланиши хавфига сабаб бўладиган гипофиз нофаол аденомалари ривожланишидаги полиморф маркёрлар–ФНО-α, p53, bcl-2, VGFE ва унинг рецептори VGFER – 2 аниқланилиши, касаллик кечишини башоратлаш усулларини ишлаб чиқиш учун асос яратади. Генетик тадқиқотлар натижалари гипофиз нофаол аденомаси профилактикасига доир тадбирларни ишлаб чиқиш, олиб бориладиган даволаш тадбирларини яхшилаш, касаллик зўрайишининг олдини олиш ва шу орқали беморларда асоратлар ҳамда ногиронлик кўрсаткичларининг камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гипофиз нофаол аденомаси мавжуд беморларни ташхислаш, даволаш ва назорат қилиш гипофиз нофаол аденомалари мавжуд беморларни келгусида олиб бориш ва намоён бўлиши бўйича ташхислаш қадамлари ҳамда кўплаб режали муолажаларни сезиларли қисқартириш имконини беради. Олинган натижалар беморларни назорат қилиш ва ўз вақтида адекват даволаш тизимини яратишда умумий амалиёт шифокорлари, эндокринологлар, нейрожарроҳлар ва радиологларга ташхислаш муолажалар тактикасини тўғри танлаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Гипофиз нофаол аденомаларини (ГНА) даволашда $Д_2$ рецепторлари агонистларининг аҳамиятини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маълумотлар базаси компьютер дастури кўринишида «Гипофизнинг нофаол аденомаси мавжуд беморларни истиқболли кузатиш регистри» ишлаб чиқилган (BGU 00334-сон гувоҳнома) ҳамда 2016 йилда 1 июнда рўйхатдан ўтказилган;

«Гипофиз нофаол аденомаларни кузатиш, ташхислаш ва даволаш тартиби» услубий қўлланмаси соғлиқни сақлаш амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 15 декабрдаги 8н–р\184-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма гипофиз нофаол аденомалари билан хасталанган беморларни эрта ташхислашда нейроэндокрин ва генетик хусусиятларни исботлаш ҳамда касалликнинг даволаш тартибини амалга ошириш имконини берган;

гипофиз нофаол аденомаларини даволашда $Д_2$ рецепторлари агонистларининг аҳамиятини баҳолаш ва касаллик асоратларини камайтириш бўйича олинган илмий натижалар Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий эндокринология тиббий маркази, Бухоро ва Самарқанд вилоятлари эндокринология диспасерларида татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2017 йил 15 декабрдаги 8Н–з\56-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларининг клиник амалиётга жорий этилиши даволаш самарадорлигини ошириб, касалликнинг тарқалишини камайтирган, касаллик туфайли ногиронликнинг олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифати яхшиланишини таъминлаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсад ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Гипофиз нофаол аденомасини даволашнинг замонавий талқини»** деб номланган биринчи бобида муаммонинг замонавий ҳолати таҳлил этилган. ГНАлар эпидемиологияси, тарқалганлик даражаси масалалари ёритилган. Шунингдек, ГНАлар ривожланишидаги энг аҳамиятли патогенетик омилларнинг ўрганилганлик даражаси таҳлил қилинган. Гипофиз аденомаси ривожланишида генетик омиллар роли алоҳида таъкидланган, асосли тиббиёт нуқтаи назаридан терапия масалалари ёритилган. ГНАлар ривожланишида полиморф маркёрлар (ФНО-α, p53, bcl-2, VEGF ва унинг рецептори VEGFR – 2)нинг ўрни ўрганилган. ГНАларни даволаш исботли тиббиёт нуқтаи назаридан батафсил ёритилган, замонавий ёндашувлар акс эттирилган, мавзунинг долзарблиги ва ўрганилишининг зарурати асослаб берилган.

Диссертациянинг **«Гипофиз нофаол аденомасини ташхислаш ҳамда даволаш самарадорлигини баҳолашнинг материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби клиник материал умумий тавсифи, тадқиқотнинг лаборатор-функционал, генетик ва статистик усулларини ўз ичига олган.

Гормонал текширувлар беморлар қон зардобида лютеинловчи гормон (ЛГ), фолликулстимулловчи гормон (ФСГ), пролактин (ПРЛ), соматотроп гормон (СТГ), адренокортикотроп гормон (АКТГ) базал концентрациясини барча беморларда радиоиммун таҳлил услуби билан «Immunotech» фирмаси

(Чехия) реактивларини қўллаган ҳолда «Gamma – 12» ва «Strantg 300» ҳисоблагичларида Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази РИА лабораториясида амалга оширилди.

ИФА текширувлари Тошкент тиббиёт академиясининг марказий илмий-тадқиқот лабораториясида бажарилган. Ўсма некрози альфа омили (ФНО-α), p53, Bcl-2, VEGF ва VEGFR – 2 рецептори қаттиқ фазали иммунофермент анализатори AT – 858 да (LTD, Хитой) «Цитокин» (СПб.), «Bender Med Systems» (Австрия) ва «Вектор Бест» (Новосибирск) фирмалари тўплами қўлланилган ҳолда текширилди. Ўлчов бирлиги – пкг/мл.

Маълумотларни статистик таҳлил қилишда STATISTICA – 6,0 статистик дастурларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг **«Гипофиз нофаол аденомасининг гендер, клиник-гормонал ҳамда визуализацион тавсифи»** деб номланган учинчи боби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмида регистрга киритилган беморлар тўғрисидаги гендер, ёшга оид, клиник, гормонал ва визуализацион маълумотлар; иккинчи қисмида тадқиқотларнинг асосий гуруҳлари гендер, ёшга оид, клиник, гормонал ва визуализацион маълумотлари келтирилган. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, макро- ва микроаденомали беморларда гендерли, ёшга оид маълумотларда фарқ кузатилмади. Аммо касаллик кечишининг клиник кўриниши, гормонал ва визуализацион кўрсаткичлар бўйича макроаденомали беморларнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Макроадемали беморларда касаллик белгилари яққол намоён бўлади. 1- ва 2-гуруҳдаги макроаденомали беморларда ўртамиёна гиперпролактинемия аниқланади, бу, адабиёт манбаларида келтирилганидек, ўсаётган ўсма сабабли аортал қон томирларнинг компрессияси шароитида дофаминергик бошқариш бузилиши билан боғлиқ. Периферик қондаги тропли гормонлар – ФСГ, ЛГ, ПРЛ, СТГ, АКТГ концентрациялари даражаси ўсманинг ўлчами 10 мм дан катта бўлганида, микроаденомали 1- ва 2-гуруҳдаги беморларга солиштирганда, ифодаланган фарққа эга. Бу ушбу беморларни ташхислаш тартибига киритиш ва дифференциал ташхислаш имкониятини кенгайтириш, шу билан бирга бундай беморларни даволаш тактикасини оптималлаштириш имконини беради.

Ташхис қўйилган вақтга келиб ГНАнинг клиник манзараси, асосан, эндокрин, нейроофталмологик ва неврологик симптомлар мажмуидан иборат бўлиб, бу ҳолат касалликни анча эрта аниқлаш (яққол асоратлар йўқ бўлган босқичда), ташхисни белгилаш ва шундан келиб чиққан ҳолда адекват даволаш услубини танлаш масаласининг ечимини топиш борасида ушбу касаллик хусусиятлари ҳақида билимнинг турли ихтисосликдаги шифокорлардан талаб этади.

Диссертациянинг **«Гипофиз нофаол аденомаси патогенезида ўсиш омилларининг аҳамиятини баҳолаш»** деб номланган тўртинчи бобида апоптоз (ФНО-α, bcl-2, p53) ва ангиогенез (VEGF, VEGFR – 2) жараёнлари ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар фаоллиги ўрганилган ва бу ГНА мавжуд беморларда хавф гуруҳини аниқлаш учун қўшимча омил сифатида хизмат қилади. ГНА ташхиси аниқланишида апоптоз (ФНО-α, bcl – 2, p53) ва ангиогенез (VEGF, VEGFR – 2) жараёнлар ҳолатини тавсифловчи кўрсаткичлар фаоллиги мавжудлиги касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш мезони сифатида ҳамда олиб борилаётган терапия самарадорлиги тактикасини аниқлашга хизмат қилиши мумкин. ГНАнинг клиник кечиши оғирлиги хусусиятлари билан генетик маркёрларнинг боғлиқлигини белгилаш касалликни башоратлаш ва оқибатини баҳолаш имконини беради. Соғлиқни сақлаш амалиётига ГНА касаллигини ташхислаш, башоратлаш ва ГНА мавжуд беморларни даволаш алгоритмини жорий қилиш муаммонинг ечимини топишда дифференциал ёндашиш, даволаш самарадорлигини ошириш, касаллик кучайиши жараёнларини барқарорлаштириш имконини юзага келтиради.

Иккала гуруҳдаги ГНА мавжуд беморлар қонида проапоптик жараёнларни тавсифловчи кўрсаткичларни ўрганишда уларнинг жиддий тарзда ортиши, кўпроқ даражада макроаденомали беморларда қайд этилди. Микроаденома мавжуд ГНА мавжуд беморларда қон зардобида эрийдиган апоптоз маркерлари миқдори даволашгача бўлган вақтда назорат гуруҳидаги ўхшаш кўрсаткичлардан юқори бўлди: 1- ва 2-гуруҳларда p53, Bcl-2 ва ФНО-α, VEGF, VEGFR – 2 мидорлари ўртача 25,4%, 26,0% ва 38,3% га ($p<0{,}01$), макроаденомали беморларда эса 43,1%, 47,2% ва 59,5% га ($p<0{,}001$). Яъни макроаденомали беморларда p53, Bcl-2 ва ФНО-α каби апоптоз омиллари миқдори микроаденомали ГНА беморлар қони зардобидаги апоптоз омилларига солиштирганда жиддий равишда 17,7%, 21,0% ва 21,2% га юқори бўлди ($p<0{,}05$). Бу ҳам микроаденомали, ҳам макро-аденомали ГНА мавжуд беморларда проапоптик механизм изга тушганлигидан далолат беради. Микроаденомали беморларга солиштирганда макроаденомали ГНА мавжуд беморларда апоптознинг ушбу механизми анча ифодаланган. Эҳтимол, проапоптик жараён бошланиши рецептор йўл бўйича амалга ошади, бу ҳақида ўзаро боғланган ядроли, митохондриал ва ядросиз проапоптик омилларнинг мобилизацияси маълумотлари далолат беради. Шубҳасиз, бу жараёнда муҳим омил ўрнини ФНО-α эгаллайди, у фаоллашганда ҳужайраларда p53 фосфорланиш жараёнини кучайтиришга олиб келадиган кислороднинг фаол шакллари кўпаяди, шунингдек, p53 нинг фаол шакллари ҳосил бўлишини кучайтирувчи циклинга боғлиқ киназалар тўпланишига олиб келади. p53 кўпайишига жавобан ҳужайраларда ўз навбатида оқсиллар кўпаяди, шу жумладан, bcl-2 ҳам. Бу жараёнлар ўзаро боғлиқлигини тасдиқлаш учун ушбу кўрсаткичлар орасида корреляцион таҳлил ўтказилди. ФНО-α параметри катталашиши p53 ($r=0{,}73$; $P<0{,}01$) ва bcl-2 ($r=0{,}75$; $P<0{,}01$) кўрсаткичлари ошиши билан боғлиқлиги аниқланди, p53 билан bcl-2 нинг боғлиқлиги эса яна ҳам кўпроқ намоён бўлди – $r=0{,}86$ ($p<0{,}001$). Демак, олинган натижаларлар ГНА мавжуд беморларда транскрипцион омилларнинг ДНК билан боғланиши бузилишга олиб келувчи ушбу жараёнларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатди.

ГНА мавжуд беморларга каберголин узоқ вақт давомида тавсия қилиниши текширилаётган апоптоз омилларининг ифодаланган пасайишига олиб келди. Микроаденомали 1- ва 2-гуруҳ беморларда апоптоз кўрсаткичлари – p53 ва bcl-2 даволашнинг 6–12 ой муддатига келиб назорат доирасида бўлди ва бундай ҳолатда терапиянинг 18 ой муддатигача ушлаб турилди, ФНО-α эса фақат каберголинли терапиянинг 18 ойига келибгина назорат кўрсаткичларига етиб келди. Шу билан бирга макроаденомали беморларда апоптоз кўрсаткичлари даражасининг тикланиши тайинланган каберголин дозасига боғлиқ бўлди. Каберголиннинг катта дозалари ишлатилган 2-гуруҳда апоптоз кўрсаткичлари – p53, bcl-2 ва ФНО-α миқдори даволашнинг 18 ҳафтасидан кейин тикланди, препаратнинг кичик дозалари қўлланилган 1-гуруҳ беморларида пасайишга бўлган мойиллик бўлишига қарамасдан даволашнинг 18 ойига келиб ҳам назорат кўрсаткичларидан статистик ишонарли тарзда мос равишда 18,5% ($p<0,05$), 14,5% ($p<0,05$) ва 22,5% ($p<0,05$)га юқори бўлиб қолди. Демак, $Д_2$ рецепторлар стимулятори каберголин ГНА мавжуд беморлар организмида апоптоз жараёнларига таъсир қилади, p53, bcl-2 ва ФНО-α экспрессияси камайишига таъсири бунинг ўзига хос хусусияти бўлиб ҳисобланади.

Каберголиннинг катта ва кичик дозалари таъсири остида апоптоз кўрсаткичларининг бир йўналишда пасайиши, препаратнинг микро- ва макроа-деномали ГНА мавжуд беморларда ҳам катта, ҳам кичик дозаларининг узоқ вақт таъсири натижасида p53, bcl-2 ва ФНО-α экспрессиясининг ифодаланган камайиши апоптоз жараёнининг ГНА патогенезида муҳим ўрин тутиши ҳамда препарат дозаси ва қабул қилиш давомийлигини танлаш тактикасига боғлиқ ҳолда апоптоз жараёнини бошқариш имконини берган.

Ҳам кам, ҳам кўп миқдорда кабергалин ФНО-α нинг ПРЛ, шунингдек, p53 ва bcl-2 билан боғлиқлилигига таъсир қилмади, бунда дори воситаси апоптоз жараёнини тўхтатмайди, аммо бу жараёнга микро- ва макроаденомали ГНА мавжуд беморларда юзага келувчи антипролифератив самарага эга бошқа механизмлар орқали таъсир қилади. Микро- ва макроаденомали ГНА мавжуд беморларда даволашгача ва даволаш динамикасида қондаги апоптоз омилларининг аниқланган ўзгаришлари нафақат уларнинг касаллик птаогенези билан боғлиқлигини, балки уларни касалликни дифференциал ташхислаш, башоратлаш, олиб борилаётган даволаш самарадорлигини баҳолаш имкони борлигидан далолат беради.

Тадқиқот жараёнида аниқландики, ангиогенез омиллар – VEGF, VEGFR – 2 фаоллиги даражаси кўп ҳолларда тизимли қон айланишида апоптоз омиллар – ФНО-α, bcl-2 ва p53 нинг фаоллиги ва концентрациялари билан белгиланади (1- жадвал).

Шу билан бирга ГНА мавжуд беморлардаги ўсма ўлчамлари билан ангиогенез ва апоптоз маркерлари фаоллиги даражаси ўзгариши орасида аниқ қонуният аниқланмади. ГНАнинг клиник кечиш кўрсаткичлари билан ангиогенез ва апоптоз омиллар ошиши орасида аниқ корреляция аниқланди. Кузатишлар борасида аниқландики, микроаденомали 1- ва 2-гуруҳ беморларида VEGF нинг 11,6% га ($p>0,05$), VEGFR – 2 нинг 7,6% га ($p>0,05$), p53 нинг 4,2% га ошиши ($p>0,1$) касалликнинг жинсий бузилишлар, бош

1-жадвал

Макро- ва микроаденомали ГНА мавжуд беморларда каберголин кичик ва катта дозалари билан даволашнинг турли мудатларидан кейин қон зардобида апоптоз маркёрлари динамикаси, M±m

	Макроаденома		
	1-гурух, n=31		
	6 ой	12 ой	18 ой
P53	0,90±0,013	0,87±0,014	0,77±0,012
Bcl-2	6,61±0,066	6,10±0,062	5,63±0,065
ФНОα	46,7±0,92	40,6±1,03	37,5±1,31
VEGF	158,5±2,23	152,6±2,22	146,7±2,24
VEGFR2	3,21±0,047	3,16±0,043	3,04±0,055
	2-гурух, n=31		
	6 ой	12 ой	18 ой
P53	0,91±0,015	0,80±0,013**	0,67±0,016***
Bcl-2	6,25±0,048***	5,81±0,052**	5,20±0,054***
ФНОα	44,2±1,18	35,6±0,96**	31,8±1,08**
VEGF	155,4±2,75	148,7±2,74	138,5±2,65*
VEGFR2	3,19±0,065	3,11±0,063	2,88±0,056*
	Микроаденома		
	1-гуруҳ n=34		
	6 ой	12 ой	18 ой
P53	0,77+0,0091	0,70+0,010	0,69+0,0094
Bcl2	5,92+0,053	5,51+0,052	4,96+0,032
ФНОα	41,3+0,76	38,1+1,43	36,4+1,05
VEGF	149,3+2,75	144,8+2,88	139,6+2,05
VEGFR2	3,08+0,049	2,98+0,036	2,91+0,031
	2-гуруҳ n=31		
	6 ой	12 ой	18 ой
P53	0,72+0,012**	0,69+0,014	0,68+0,014
Bcl2	5,59+0,066**	4,93+0,033***	4,84+0,073
ФНОα	40,8+1,16	37,2+1,29	32,1+1,37*
VEGF	147,5+3,19	141,7+1,92	136,8+2,53
VEGFR2	3,03+0,035	2,94+0,025	2,87+0,054

*Изоҳ: * – фарқлар 1-гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (*– p<0,05, ** – p<0,01, *** – p<0,001).*

оғриқлари, вегетатив кризлар каби клиник белгилари билан корреляция қилди. ГНА мавжуд беморларда ўсма ўлчамларининг 10 мм дан кўпроқ ортишида ушбу корреляция катталашди. Макроаденомали 3 нафар беморда (>10 мм) ангиогенез ва апоптоз маркерлари бузилган бўлишига қарамасдан ГНАнинг клиник симптоматикаси намоён бўлмади. Микроаденомали беморлардаги текширувларда аниқландики, апоптоз жараёнларини тавсифловчи кўрсаткичлар – ФНО-α, bcl-2, антиапоптик оқсил p53 миқдори назорат қийматларидан бирмунча юқори бўлди, мос равишда 7,5, 5,9 ва 4,6% га ($p>0,5$). Шу билан бирга ангиогенез параметрлари VEGF, VEGFR – 2 ҳам назорат кўрсаткичларидан статистик жиҳатдан мос равишда 15,1 ва 14,6% га баланд бўлди ($p<0,05$). Бир вақтнинг ўзида макроаденомали беморларда апоптоз жараёнларини тавсифловчи кўрсаткичлар – ФНО-α, bcl-2 ва антиапоптик p53 оқсил миқдори микроаденомали беморлар кўрсаткичларидан бирмунча, мос равишда 8,8, 6,9 ва 5,6% га юқори бўлиши ($p>0,5$) аниқланди. Ангиогенез параметрлари – VEGF, VEGFR – 2 ҳам мос равишда 23,0 ва 14,8% га юқори бўлди ($p<0,05$).

Таъкидлаш жоизки, аниқланган апоптоз ва ангиогенез кўрсаткичлари мос ёшдаги (31,6±4,2 йил) ва жинсдаги назорат гуруҳидаги 20 нафар (10 та аёл ва 10 та эркак жинсидаги) соғлом шахсларнинг шунга ўхшаш маълумотларидан жиддий фарқ қилди.

Тадқиқотлар натижаларига кўра назорат маълумотлари билан солиштирганда ГНА мавжуд беморларда қон зардобида апоптоз жараёнини бошқарувчи омилларнинг аҳамиятли ошиши қайд қилинди – проапоптик p53 оқсили 87,5% га катталашиши ($p<0,001$), ангиогенез жараёнларни бошқарувчи омиллар – томирлар эндотелийси ўсиш омили (VEGF) ва унинг эрувчан VEGFR – 2 рецептори реакциясининг йўқлиги амалда назорат гуруҳи қийматларидан фарқ қилмади – 3,8 ва 4,6% ($p>0,05$). Бир вақтнинг ўзида бизлар VEGF ва VEGFR – 2 кўрсаткичларининг p53 (0,87; $p<0,001$ ва 0,80; $p<0,001$), VEGFR – 2 кўрсаткичининг ФНО-α билан кучли боғлиқлиги (0,77; $p<0,001$) аниқланди.

Шундай қилиб, ГНА мавжуд беморларда апоптоз ва ангиогенез омиллари бошқарилиши бузилиши қайд қилинади. Шу билан бирга ГНА мавжуд беморларда проапоптик p53 омили ошиши VEGF нинг p53 билан юқори корреляцияси сақланган шароитда содир бўлади, бу, эҳтимол, ГНА мавжуд беморларда ўсма жараёнининг кучайишини секинлаштиради.

Диссертациянинг **«ГНА даволашда Д$_2$ рецепторлари агонистларини қўллашнинг самарадорлигини баҳолаш»** деб номланган бешинчи бобида ГНА мавжуд беморларда Д$_2$ рецепторлари агонистларининг кам ва кўп миқдорларда қабул қилгандаги самарадорлигини ўрганиш бўйича тадқиқотлар натижалари келтирилган, бўлиб, медикаментоз даволаш тартиби оптималлаштирилган. Иккала гуруҳдаги беморларда каберголин билан даволаш ҳар 72 соатда кечқурун овқат вақтида 0,25 мг миқдорда бошланиб, биринчи гуруҳ беморлари учун ҳар бир 72 соат мобайнида 2 ҳафтадан кейин 0,5–1 мг гача, иккинчи гуруҳ беморлари учун дори воситаси миқдори 1,5–3,0 г гача кўпайтирилди. Даволаш давомийлиги 18 ой давом этди ва 6, 12 ҳамда

18 ойларда амбулатор шароитда динамик кузатувлар олиб борилди. Динамик кузатувлар вақтида беморнинг умумий аҳволи, шикоятлари, дори воситасининг ножўя таъсири баҳоланди, беморни объектив кўрикдан ўтказиш амалга оширилди, шунингдек, гормонал, биокимёвий таҳлиллар ва ҳар бир бемор қонида ўсиш омилларини текшириш амалга оширилди. Кўриш ўткирлиги, кўз туби ва кўрув майдонини баҳолаш орқали нейроофтальмолог маслаҳати барча беморларда терапия бошланишигача ва кўрув майдони бузилишлари мавжуд беморларда 6, 12 ва 18 ойларда бажарилди. Даволанишгача ўсманинг ўртача ҳажми микроаденомали 1- ва 2-гуруҳ беморларида мос равишда 920±0,047 мм^3 ва 1008±0,021 мм^3 ни, макроаденомали 1- ва 2-гуруҳ беморларида мос равишда 1644±0,143 мм^3 ва 2630±0,061 мм^3 ни ташкил қилди. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, даволанишгача микро- ҳамда макроаденомали ГНА мавжуд беморларни каберголиннинг кичик (1-гуруҳ) ҳамда катта (2-гуруҳ) миқдорда даволашнинг 6, 12 ва 18 ойларидан кейин қон гормонлари: ФСГ, ЛГ, ТТГ, АКТГ ва СТГ даражалари назорат билан бир даражада бўлиши сақлаган.

Шунга ўхшаш ўзгаришлар макроаденомали беморларда даволаш курсига кичик ва кўп миқдордаги каберголин ёрдамида гипофиз гормонларини ўрганишда фойдаланилган. Таъкидлаш жоизки, макроаденомали иккала гуруҳдаги беморларнинг қони зардобидаги пролактин миқдорини назорат маълумотларидан 26,4 ва 26,9% га юқори бўлди ($p<0{,}05$). Каберголиннинг юқори дозаси (1,5–3,0 мг/ҳафта) билан бажарилган терапиянинг 12 ойидан кейин макроаденомали ГНА мавжуд беморлар қони зардобида ПРЛ даражасининг назорат даражасигача тикланишига сабаб бўлди. Каберголиннинг кичик дозаси (0,5–1,0 мг/ҳафта) тайинланганда тадқиқотнинг шундай муддатида макроаденомали ГНА мавжуд беморлар қон зардобида ПРЛ даражаси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан 16,1% га ($p<0{,}05$) баланд бўлиши аниқланди ва фақатгина даволашнинг 18 ойига келиб тикланиши қайд этилди. Макроаденомали ГНА мавжуд беморларни 12 ой мобайнида каберголин билан даволашдан кейин 1- ва 2-гуруҳ беморлари қони зардобида ПРЛ даражаси ўзгаришларидаги жиддий фарқларга қарамасдан даволашнинг 18 ойидан кейин ўрганилаётган гормон даражасида статистик аҳамиятли фарқ аниқланмади. Бу, эҳтимол, терапиянинг 18 ойидан кейин макроаденомали ГНА мавжуд 1-гуруҳ беморларининг 5 нафарида (16,1%) ва 2-гуруҳдаги 3 нафар (9,7%) беморда ПРЛнинг юқори даражалари сақланиб қолди ва назорат гуруҳидан мос равишда 6,6% ва 12,8% га юқори бўлди ($p<0{,}05$), бу, табиийки, таққосланаётган ГНА мавжуд беморлар гуруҳларидаги статистик кўрсаткичларига таъсир қилди (2- жадвал).

Ўсма ўлчамининг бевосита камайиши ва нормал гипофизнинг қолдиқ тўқимаси қисқариши орасида дифференциация қилиш имконияти йўқлиги сабабли ўсма ҳажмининг 25% дан кам миқдорда камайиши унча аҳамиятли бўлмаган самара ҳисобланади. Шунинг учун ўсма ҳажмининг 25–30% дан ортиққа камайиши мезони энг ўринли ҳисобланади.

2-жадвал

Каберголиннинг кичик (суратда) ва катта (махражда) миқдорлари билан даволашнинг турли муддатларида микро- ва макроаденомали ГНА мавжуд беморларнинг қон зардобида гипофиз гормонлари динамикаси, M±m

Гормон лар	Микроаденомалар, n=65				Назорат МЕД/л
	Даволашгача	6 ойдан кейин	12 ойдан кейин	18 ойдан кейин	
ФСГ	13,1±0,69	11,4±0,63	11,0±0,66	11,3±0,65	12,6±0,71
	12,9±0,71	11,5±0,60	11,1±0,68	11,4±0,63	
ЛГ	5,1±0,26	4,2±0,25	3,9±0,26	4,1±0,23	7,8±0,27
	4,9±0,28	4,1±0,29	4,0±0,27	3,9±0,26	
ПРЛ	8,1±4,33	7,2±4,29	6,6±4,10	6,4±4,52	18,6±50,8
	9,5±1,70	7,8±3,80	7,1±4,61	6,3±4,92	
ТТГ	2,3±0,14	2,2±0,11	2,3±0,13	2,1±0,13	2,2±0,14
	2,4±0,13	2,3±0,12	2,5±0,12	2,3±0,14	
АКТГ	37,4±2,31	38,1±2,26	38,3±2,30	38,1±2,34	38,1±2,82
	37,9±2,40	38,0±2,28	38,2±2,19	38,3±2,21	
СТГ	8,1±0,43	8,2±0,40	8,1±0,44	8,3±0,42	8,3±0,45
	8,2±0,42	8,2±0,36	8,3±0,41	8,2±0,39	

Гормон лар	Макроаденомалар, n=62				Назорат
